

Sport o‘yinlari (futbol, voleybol, basketbol, gandbol)ni rivojlantirish
va mashg‘ulotlarni takomillashtirishning dolzarb muammolari

НАВҚИРОН ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА МИЛЛИЙ ХАЛҚ ҮЙИНЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯДАГИ АҲАМИЯТИ

Shermatov Maxsud Najimovich
ChDPU p.f.f.d. (PhD), dotsent v/b.
Murodova Ruxshona Muzaffar qizi
Umarova Odinaxon Baxtiyor qizi
Xabibullayeva Nafosat Xayrulla qizi
ChDPU Jismoniy madaniyat HQS talabasi

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада умумтаълим мактаблари ўқувчилариға жисмоний тарбия дарслари ва синфдан ташқари машғулотларда миллий халқ үйинларидан фойдаланиш ҳамда унинг таълим-тарбиядаги аҳамияти юзасидан кўрсатма ва таклифлар келтирилган.

ANNOTATION

The article provides guidance and suggestions for secondary school students on the use of national folk games in physical education classes and extracurricular activities, as well as its importance in education.

Таянч сўзлар: миллий халқ үйинлари, жисмоний тарбия, ўқувчи, ёш, спорт, ривожланиш, машғулот, натижа, сифат.

Keywords: national folk games, physical education, student, age, sports, development, occupation, result, quality.

Халқ миллий үйинлари, жумладан ўзбек миллий үйинлари барча халқ-элатлар кашфиётлари каби (мусиқа, кулолчилик, гилам тўқиши асбоблари, ашула ва рақс, эртак ва ҳ.к.) инсоният тарихининг турли ижтимоий-иктисодий босқичларида тараққий этган ўзига хос этно- ва филоонтогенетик хусусиятлар асосида “ихтиро” қилинган ва шаклланиб келган.

Республикамизнинг турли минтақаларида халқ ҳаракатли үйинлари ахолининг турли ёш ва қатламлари ўртасида азалдан ривожланиб келган бўлсада, “ок” ва “қизил” империялар даврида ушбу үйинларнинг оммалашуви ниҳоятда чегараланган эди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгач халқ миллий ҳаракатли үйинлари миллатимиз қадриятлари сифатида қайта тиклана бошлади ва ҳозирги кунда нафақат халқимизнинг энг севимли машғулотига айланди, балки барча таълим муассасалари ўкув режаларига тўлақонли фан сифатида киритилган. Аммо,

Sport o‘yinlari (futbol, voleybol, basketbol, gandbol)ni rivojlantirish va mashg‘ulotlarni takomillashtirishning dolzarb muammolari

шуни ҳам таъкидлаш зарурки, халқ миллий ҳаракатли ўйинларининг илмий-услубий асослари, уларнинг психофунксионал моҳияти, жисмоний сифатлар ва спорт маҳоратини шакллантиришдаги аҳамияти ҳамда қиймати хали деярли ўрганилмаган.

Айни кунда юқорида муҳокама этилган миллий ҳаракатли ўйинларнинг очилмаган қирралари, ушбу йўналишга оид муаммоларни ўрганиш ва ҳаётга тадбиқ этиш мамлакатимиз жисмоний тарбия тизимидағи долзарб масалалардан биридир.

Мустақил Давлатимиз томонидан “Таълим тўғрисидаги қонун” ва Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.А. Каримов томонидан 24.10.2004-й. да “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш фондини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши билан турли географик ва экологик шароитларда яшовчи болалар ва ўсмирларни жисмоний ривожланишини ўрганиш долзарб аҳамият касб этиб келмоқда.

Ўзбек халқ ўйинлари халқнинг ўзига хос урф-одатларидан, турмуш шароитидан, яшаш иқлими, тарихий обидалар, атроф-муҳит шароитидан келиб чиқсан бўлиб, шуларга яраша жинсига, ёшига, саломатлигига кўра кўлланилган.

Хозирги кунгача Республикаизда аксарият мутахассислар ўзбек халқ ўйинларига алоҳида тасниф (классификация) ва тавсиф (характеристика) беришни кўзда тутмаганлар, ёки етарли даражада аҳамият бермаганлар.

Таъкидлаш жоизки, агар шундай тасниф ва тавсиф берилса, ўзбек халқ ўйинлари ва умуман ҳаракатли ўйинлар анча ютуққа эга бўлар еди. Чунки ҳар бир ўйинни таснифини ва тавсифини билган ҳолдагина ундан фойдаланиш зарурияти ҳам, жойи ҳам тўғри белгиланади.

Маълумки ўзбек халқ ўйинлари ўз ичига ҳаракат жиҳатдан ҳар хил жисмоний сифатларни ривожлантиришга йўналтирилган ўйинларни қамраб олган. Айниқса, халқ ўйинлари Фориш туманининг чекка тоғли жойларида яхши сақланиб қолган эди. Бу ерда 1985 йилдан буён кўплаб ишлар олиб борилди. 1987-88 йиллар Фориш тадқиқотлари бир оз сустлашди. “Қарама-қаршилик одамларни чиниқтирди”, бу даврда йўқолаётган халқ маросимини сақлаш foялари янада синалди ва кучайди.

- Шу боисдан уларни йўналишлар бўйича ажратса билиш зарур деб топилади. Демак уларни таснифлаш (классификациялаш) зарур ўринни эгаллайди.

Ўзбек халқ ўйинларида касалликларни даволаш учун ва ўргатиш жараёнида кенг кўламда фойдаланиш мумкин. Касалликни олдини олиш учун кўлланиладиган ўйинларни ўйинлар билан касалдан чиқсан одамда

Sport o‘yinlari (futbol, voleybol, basketbol, gandbol)ni rivojlantirish va mashg‘ulotlarni takomillashtirishning dolzarb muammolari

қўлланиладиган ўйинларни фарқини билиш жуда зарур. Чунки уларни жисмоний юкланиши (нагрузкаси) бир-биридан ажralиб туриши даркор. Ўргатиш жараёнида эса кўникма ва малакаларни шакллантиришга мувофиқ ўйинлар танлаб берилади.

Юқоридагиларни назарда тутиб ўзбек халқ ўйинларини қўйидаги тоифаларга ажратиш мумкин:

- харакат сифатларини ривожлантирувчи ўйинлар;
- дарсни айрим қисмларида қўлланиладиган ўйинлар;
- турли ёшдаги болалар фаолиятида қўлланиладиган ўйинлар;
- болалар жинсига қараб қўлланиладиган ўйинлар;
- руҳий ҳиссиётларни ривожлантирувчи ўйинлар;
- ёруғ ва қоронғу шароитларда қўлланиладиган ўйинлар;
- ҳаётий зарур малакаларни эгаллашда ёрдам берувчи ва такомиллаштирувчи ўйинлар;
- спорт фаолиятида қўлланиладиган ўйинлар.

Натижада умумтаълим мактаблари ўқувчиларига жисмоний тарбия дарслари ва синфдан ташқари машғулотларда миллий халқ ўйинларидан фойдаланиш орқали болани жисмоний ва маънавий-тарбиявий аҳамият касб этади.

Ҳаётий зарур ҳаракат малакаларини шакллантируvчи ўйинлар: осилиш ва осилиб чиқиши: “Маймунчалар”, “Оқ айиқлар”; юриш, югуриши: “Қувлашмачоқ”, “Мокки”; ўтириш, туриш: “Бақа”, “Товуқ ва тулкилар”; тўхташ сакраш: “Қармоқча”.

Жисмоний сифатлари ривожлантируvчи ўйинлар: куч: “Тортишмачоқ”; тезкорлик: “Кун ва тун”; епчиллик: “Тўп учун кураш”, “Лапта”, “Қирқ тош”; чидамкорлик: “Қувиб ет”; егилувчанлик: “Кўприк ва мушук”.

Ақлий-руҳий қобилияtlарни ривожлантируvчи ўйинлар: диққат: “Таъқиқланган ҳаракат”; хотира “Дақиқа”; ҳиссиёт: “Тўхта”; тафаккут: “Шахмат”; айёрлик: “Вандан-зўри”; жасурлик: “Чўнқа шувоқ”.

Ўй-рўзгор ишларига хос ҳаракат малакаларини шакллантируvчи ўйинлар: “Супур-супур”, “Ковун узатиш”.

Касбий кўникма ва малакаларни шакллантируvчи ўйинлар: “Бургут ва бургутчалар”, “Отишма”.

Нутқ ва талаффузни шакллантируvчи ўйинлар: “Ким олади”, “Оқ теракми, кўк терак”, “Паҳмоқ кучук”.

Sport o‘yinlari (futbol, voleybol, basketbol, gandbol)ni rivojlantirish va mashg‘ulotlarni takomillashtirishning dolzarb muammolari

Ҳисоб-китоб ва тадбиркорлик қобилияtlарини шакллантируvчи ўйинлар: “Беш тош”, “Лянка”, “Қирқ тош”.

Йилнинг турли фаслларида қўлланиладиган ўйинлар: “Баррак”, “Ёмғир ёғалоқ”, “Чиллак”, “Топишмачоқ топ”, “Лянка”, “Тез айт”, “Ёнғоқ”.

Кундуз ва тунда ўтказиладиган ўйинлар: “Оқ суяқ”, “Чўлоқ қарға”.

Сувда ўтказиладиган ўйинлар: “Сувда қувлашмачоқ”, “Тез сузиш”, “Сув остида сузиш”.

Турли ёшли болалар ва катталар ўртасида ўтказиладиган ўйинлар: “Қувлашмачоқ”, “Бекинмачоқ”, “Байроқча учун кураш”, “Кун ва тун”, “Оқ теракми, кўк терак”, “Ёнғоқ ўйини”.

Ўғил болалар ва қиз болалар ўртасида ўтказиладиган ўйинлар: “Ешак минди”, “Беш тош”, “Сопалак”, “Хўроздар жанги”, “Арқон сакраш”, “Минди”, “Хола-хола”, “Овқат пишириш”, “Овга чиқиши”, “Уруш-уруш”, “Соққа”, “Қулоқ чўзма”, “Дурра”, “Чори-чамбар”.

Дарснинг тайёргарлик қисмида қўлланиладиган ўйинлар: “Космонавтлар”, “Тез ўз ўрнига”, “Кун ва тун”.

Дарснинг асосий қисмида қўлланиладиган ўйинлар: “Жами”, “Отиб қочар”, “Қирқ тош”.

Дарснинг якуний қисмида қўлланиладиган ўйинлар: “Ким келди”, “Кимни овози”, “Дурра солди”, “Дақиқа”, “Моможон ёрдам беринг”.

Спорт турига хос ҳаракат малакаларини шакллантиришда қўлланиладиган ўйинлар: “Қалъа ҳимояси”, “Тўпни қайтар”, “Узатдингми ўтири”, “Қувиб ет”, “Кун ва тун”, “Ўйлаб топ”, “Фоввослар”.

Соғломлаштириш масканларида ўтказиладиган ўйинлар: “Семир пуфагим”, “Беш тош”, “Кеглини уриб йиқит”, “Инсиз қуён”.

Қўшиқлар билан ижро этиладиган ўйинлар: “Лапкар”, “Тез айтиш”, “Гулдургуп”, “Оқ теракми, кўк терак”.

Тўйларда қўлланиладиган ўйинлар: “Қулоқ чўзма”, “Оқ суяқ”, “Хўroz, ит, қўчкор уруштириш”.

Ҳарбий қўнишка ва малакаларни шакллантируvчи ўйинлар: “Қоракўз бўй-бўй”, “ТИМ”, “Уруш-уруш”, “Асир олиш”.

Халқ сайиллари ва маросимларда ўтказиладиган ўйинлар: “Оламон пойга”, “Улоқ”, “Қиз қувлаш”, “Чўнқа шувоқ”.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак умумтаълим мактаблари ўқувчиларига жисмоний тарбия дарслари ва синфдан ташқари машғулотларда миллий халқ ўйинларидан фойдаланиш билан болага жисмоний ва маънавий-тарбиявий

Sport o‘yinlari (futbol, voleybol, basketbol, gandbol)ni rivojlantirish va mashg‘ulotlarni takomillashtirishning dolzarb muammolari

аҳамият касб этиб, организмни соғлом ва маънавий дунёқараши юксак даражада ривожланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Б.Б.Кипчаков А.Қ.Утепбергенов. Интенсив жисмоний юкламаларнинг юқори тоифали спортчиларнинг физиологик ҳолатига таъсири. Илим ҳам жамийет. №1.2021.
2. Утепбергенов А.К, Шукруллаев Ж.М. Особенности акмеологического подхода и системы дидактического обоснования развития физических качеств у школьников средствами волейбольного. Экономика и социум №3(82) 2021.
3. Шукруллаев Ж.М. Ўқувчи ёшларни волейбол спорт турига танлаб олишнинг методик хусусиятлари. ACADEMIC RESEARCH in EDUCATIONAL SCIENCES. №.1. 2020 2-октябр.
4. Шукруллаев Ж.М. Бошланғич синф ўқувчиларини волейбол спорт турига саралаб олиш усулларини такомиллаштириш. “Бошланғич таълимни компетенциявий ташкил этиш: назария ва амалиёт” мавзусидаги онлайн ҳалқаро илмий-назарий анжуман. 2020-йил 28-апрел.
5. Жисмоний тарбия ва спорт журнали. 2018-йил.
6. Шукруллаев Журабек Мақсадбаевич. Волейбол спорт тури воситасида мактаб ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантиришда акмеологик ёндашувнинг дидактик имкониятлари. Халқ таълими. № 5 2021 йил 28-30-бет.
7. Утепбергенов А.К. Общие физиологические принципы физического образования и спорта. Европейский журнал молекулярной и клинической медицины , 2020, том 7, выпуск 9, страницы 2366-2371
8. Шукруллаев Журабек Мақсадбаевич. Кластер ёндашув асосида волейболчиларнинг жисмоний кўрсаткичларини ривожлантириш. Халқ таълими. № 5 2021 йил 57-59-бет.
9. Утепбергенов А.К. Шукруллаев Ж. М. PRELIMINARY STAGES OF DIDAQTIKS IN THE PROCESS OF AKMEOLOLOGIKAL APPROACH TO VOLLEYBALL SPORTS. 28-31. METHODICAL RESEARCH JOURNAL.
10. Утепбергенов А.К. The Concept of The Management of Body Functions and Their Properties. Organism and environment. INTERNATIONAL JOURNAL ON HUMAN COMPUTING STUDIES www. journalsresearchparks.org/index.php/IJHCS e-ISSN: 2615-8159|p-ISSN: 2615-1898 Volume: 03 Issue: 2 March-April 2021. 146-148